

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ДЕНОВ ТАДБИРКОРЛИК ВА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БОБОҚУЛОВА ДИЛҒУЗА МЕНГЛИБОЕВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ТАДБИРКОРЛИК,
ТЕЖАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ТУШУНЧАЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ**

13.00.01- Педагогика назарияси.Педагогик таълимотлар тарихи.

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора

Бобокулова Дилфуза Менглибоевна

Бошлангич синф укувчиларига тадбиркорлик ,тежамкорлик ва иктисодий тарбия иушунчаларини шакллантиришда оила хамкорлиги.....5

Бобокулова Дилфуза Менглибоевна

Семейное сотрудничество в формировании понятий предпринимательства , бережливости и экономического воспитания у учащихся начальных классов.....21

Bobokulova Dilfuza Mengliboyevna

Family cooperation in forming the concepts of entrepreneurship, saving, and economic education for primary school students.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ДЕНОВ ТАДБИРКОРЛИК ВА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БОБОҚУЛОВА ДИЛҒУЗА МЕНГЛИБОЕВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ТАДБИРКОРЛИК,
ТЕЖАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ТУШУНЧАЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ**

13.00.01- Педагогика назарияси.Педагогик таълимотлар тарихи.

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Ped2097 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Денов тадбиркорлик ва педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tersu.uz) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худайкулов Хол Жумаевич
педагогика фанлари доктори,
профессор

Расмий оппонентлар:

Олимов Ширинбой Шаропович
педагогика фанлари доктори,
профессор

Расмий оппонентлар:

Хакимова Мухаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори,
профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “30” 12 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз ш., Барқомол авлод кўчаси, 43.Тел.: (376) 221-74-55; факс:(376) 221-71-17; e-mail: termizdu@gmail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (112 рақами билан рўйхатга олинган). 190111, Термиз ш., Барқомол авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221-74-55.

Диссертация автореферати 2022 йил “20” 12 куни тарқатилди.
(2022 йил “20” 12 даги 23 рақамли реестр баённомаси).



 **И.Т.Чориев**
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

 **М.Қ.Бозорова**
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

 **И.Аллаков**
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси ўринбосари, ф-м.ф.д.профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон глобаллашув ва тараққиёт даврида келажагимиз бўлган ёш авлод тарбияси алоҳида аҳамиятга эга бўлган зарурий муаммолардан бири бўлмоқда. Мактаб таълимида асосий эътибор ўқувчиларнинг кичик ишлаб чиқариш корхоналарига жалб этишга қаратилётганлиги, мазкур кичик ишлаб чиқариш корхоналари ўқувчиларни бизнес оламига олиб кириш орқали амалий кўникма ва шахсий сифатларни ривожлантириш, ташаббускорлик ва ижодкорликни рағбатлантиришни таъминлаб, уларда мустақил ўз-ўзини иш билан таъминлаш имконияти мавжудлигига ишончни қарор топтиради ва касбга йўналтиришга ёрдам бераётганлиги, натижада, бошланғич синф ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлиги фаолиятининг жамиятдаги ролини кучайтиришга олиб келиши тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда ўқувчиларда тадбиркорлик фаолияти учун зарур касбий сифатларни ривожлантириш учун ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида билим ва кўникмаларни таркиб топтириш, касбга йўналтириш жараёнида тадбиркорлик фаолиятига жадал тайёрлашга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада айниқса, иқтисодий тежамкорликка оил билим, малака, кўникмаларни шакллантиришга амалий ёрдам кўрсатиш учун таълим жараёнини тузиш ҳамда уни кўллаб-қувватлаш, унинг воситалари ва таъминотини ишлаб чиқиш, модулли, умумтаълимий ёндашув моделларидан самарали фойдаланиш, бизнес асослари ва тадбиркорлик амалиётини ўргатишга доир таълимий дастурларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда бошланғич синф ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлиги фаолияти учун педагог-тадқиқотчиларга кенг имкониятлар тақдим этмоқда ва мамлакатимизда касбий фаолиятга жаҳон амалиётида қабул қилинган ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш” ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг асосий фаолият йўналишларидан таълим тизимида инновацияларни ишлаб чиқишни таъминлаш каби белгиланган устувор вазифалари олий таълим тизимида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш долзарб аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Қонуни ¹ да “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорлик соҳасига

¹ <https://lex.uz/docs/3107036>

жалб этиш² каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” тўғрисидаги 1059-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097 Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4467-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712 сони Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қишиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ4231 сон қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108 Фармонининг ижросини амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган ҳуқуқий жамият, ижтимоий-демократик давлат, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияни шакллантириш масалалари бўйича Шарқ мутафаккирларидан Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб асарларида ўз ифодасини топган.

Республикамызда С.Бобоқулов, Ф.Ибротова, У.Дўстов, Ш.Рўзиназаров, Н.Бекназаров тадбиркорлик мавзусида етарлича илмий-тадқиқот ишлари олиб борганлар, А.Ўлмасов, А.Хўжаев, О.Хайитов, З.Валиева, Н.Камолова, А.Сарсенбоева, Х.Умарова, Х.Худойқулов, А.Кенжабоев, Х. Матёқубов ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишлари иқтисодий таълим-тарбия масалалари билан бевосита узвий боғлиқ.

Мустақил ҳамдўстлик давлатларида А.С.Аменд, И.А.Сасова, Л.П.Фридман, Б.П.Шемякин, М.Л.Малишев, Б.К.Розов, Н.С.Толстов, тадқиқот

² Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарири саволларига жавоблари юзасидан “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” номли интервьюси. – Т.: 2021 йил 17 август.

ишларида иқтисодий билимлар ва уни ташкил этиш масалалари ҳақидаги фикрларни кўриш мумкин.

Хорижлик олимлардан A.Gibb, J.Keenan, Riches, J.Sey, H.A.Томсон, H.Davies, К.П.Дудин кабиларнинг тадқиқотларида ишлаб чиқариш мазмуни, иқтисодий тарбия асослари, усуллари, шакллари, унинг вазифалари, назарий жиҳатлари ҳам ёритилган ҳамда иқтисодий тарбия беришда амалий кўникмаларнинг шакллантиришини ўз илмий тадқиқот ишларида кўрсатиб ўтишган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Денов тадбиркорлик ва педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ёш авлодда юксак маънавий ва иқтисодий фазилатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг илмий асослари” (2019-2021 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигига бағишланган республика ҳамда хориж адабиётларини таҳлил қилиш орқали долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш;

бошланғич синф ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигига бағишланган интерфаол метод, воситасида тарбиялашнинг ҳамкорлиги моделини ишлаб чиқиш;

бошланғич синф ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигига бағишланган тарбиявий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, синф ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида қўллаш;

бошланғич синф ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлиги асосида, унинг самарадорлиги бўйича тажриба-синов ишларини ташкил қилиш, натижаларни математик-статистика усуллари ёрдамида таҳлил қилиш орқали ҳамда самарадорлигини таъминлаш бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхондарё, Бухоро ва Тошкент вилоятларидаги умумий ўрта таълим мактаблари белгиланиб, тажриба-синов ишларига қатнашувчи умумий ўқувчилар сони 586 нафарни ташкил этди.

Тадқиқотнинг предметини бошланғич синф ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигининг мазмуни, шакли, метод ва воситалари -ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, сўравнома, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, анкета саволларини тарқатиш, савол-жавоб, суҳбат, педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда миллий анъана, диний қадриятлар мутаносиблигини ментал этнопедагогик хусусиятларини уйғунлаштириш, иқтисодий тарбиялаш кўникмаларини оила ҳамкорлиги орқали шакллантириш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда боланинг меҳнат бозори талаблари асосида ривожланишининг иқтисодий тарбия механизмларини такомиллаштириш орқали оила ҳамкорлигига бағишланган интерфаол метод, воситасида тарбиялашнинг модели ишлаб чиқилган;

ўқувчиларда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигига бағишланган тарбиявий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, синф ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида интерфаол усулларга мутаносиб тарзда такомиллаштирилган;

ўқувчиларда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигига доир узлуксиз педагогик механизмининг инновацион технологиялари, унинг экспериментал даражаси, мезонлари устиворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқ этилаётган муаммога нисбатан назарий ва амалий ғояларнинг амалиётда ўз исботини топганлиги, тажриба-синов ишларининг тизимли, изчил, узлуксиз ва мақсадга мувофиқ амалга оширилганлиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги математик-статистик таҳлил асосида ўз исботини топганлиги, тадқиқот методларининг мақсадга мувофиқ, тўғри танланганлиги, бошланғич синф ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигининг ҳамда мазкур ҳолатнинг юқори даражага кўтарилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табақалашган ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигининг методологик-дидактик асослари, психологик-педагогик имкониятлар асосида мезонлар ишлаб чиқилиб, педагогика назариясига қўшган улушида 2- синф “Тарбия”, 2- синф “Математика”, 4- синф “Технология”, 3- синф “Ўқиш” ва бошқа фанларни ўқитиш жараёнида услуб ва воситалар тизимининг яратилганлиги, таълим-тарбия жараёнида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантириш мазмуни, шарт-шароитлари, уларни такомиллаштириш йўлларининг илмий асослаб берилганлиги тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятида акс этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, бошланғич синф ўқувчиларини тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантириш юзасидан илгари сурилган илмий-назарий, услубий фикрларнинг илмий-услубий журналларда нашр этилиб, мақолалар тарзда амалиётга жорий этилиши, диссертациянинг хулоса ва натижаларидан бошланғич синф ўқитувчилари ўзларининг иш фаолиятида услубий қўлланма сифатида фойдаланишлари ўқув-тарбия жараёнларининг илмий-педагогик самарасини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларини тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигига доир ўқитиш шарт-шароитларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалари асосида:

бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда миллий анъана, диний қадриятлар мутаносиблигини ментал этнопедагогик хусусиятларини уйғунлаштириш, иқтисодий тарбиялаш кўникмаларини оила ҳамкорлиги орқали шакллантириш асосида такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар асосидаги натижалардан “Умумий педагогика” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги №356/7-078-сон гувоҳномаси). Натижада ушбу ўқув қўлланма ўқув машғулотларининг ташкилий-педагогик босқичлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ўқувчиларда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда боланинг меҳнат бозори талаблари асосида ривожланишининг иқтисодий тарбия механизмларини такомиллаштириш орқали оила ҳамкорлигига бағишланган интерфаол метод, воситасида тарбиялашнинг ҳамкорлик модели “Ўқувчиларга дастлабки тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияга оид тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологияси” деб номланган қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги таълим марказининг 2022 йил 16 мартдаги йил 01/11-03/10-348-сон маълумотномаси). Натижада ушбу модел ва тавсиялар бошланғич синф ўқувчиларида яхлит тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияни шаклланишининг амалий технологик тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўқувчиларда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигига бағишланган тарбиявий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, синф ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида интерфаол усулларга мутаносиб тарзда такомиллаштиришга доир тавсиялардан Сурхондарё, Бухоро ва Тошкент вилоятларидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқув ва тарбиявий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги таълим марказининг 2022 йил 16 мартдаги 01/11-03/10-348-сон маълумотномаси).

Натижада бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантириш самарадорлигига эришилган ўқувчиларда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигига доир узлуксиз педагогик механизмининг инновацион технологиялари, унинг экспериментал даражаси, мезонлари устиворлик бериш асосида такомиллаштирилган таклиф ва тавсияларидан умумтаълим мактабларининг бошланғич синф 2-синф “Тарбия”, 2-синф “Математика”, 4-синф “Технология”, 3-синф “Ўқиш” ўқув фанларининг дарс ва дарсдан ташқари машғулотларига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги таълим марказининг 2022 йил 16 мартдаги 01/11-03/10-348-сон маълумотномаси). Натижада ушбу модел ва тавсиялар бошланғич синф ўқувчиларида яхлит тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияни шаклланишини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза матнида тақдим этилиб апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 номда илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 1 та ўқув кўлланма, 1 та услубий кўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси педагогика фанлари бўйича фасафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 6та хорижий ва 5 республика журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми Диссертация кириш, уч боб, 8 та параграф хулоса ва тавсиялардан, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 127 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУН

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, шунингдек диссертация кириш, уч боб, саккиз параграф, умумий хулоса ва тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат ва тадқиқот иши Олий Аттестацияси Комиссияси талаблари асосида ёзилган бўлиб, у диссертация мазмуни тўғрисида тўлиқ маълумот беради.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигининг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда бошланғич синф ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила

ҳамкорлигининг бугунги бозор талаби асосида ривожланиши ва унинг моҳияти ҳақида сўз юритар экан ҳар бир оилада тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларни шакллантиришнинг бугунги моҳияти батафсил очиб берилган.

Иқтисодий илимларни ўрганиш иқтисодий жараёнларнинг туб моҳиятини тўғри тушунишда кўл келади. Шу боис бундай билимларни ёшликдан ўзлаштириб олиш яхши самара беради ва натижада ҳар бир фуқарода тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришга оид имкониятлар пайдо бўлади. Жамият тараққиётининг асоси бўлган тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодиёт тарбия тушунчаларини ўргатиш, бошланғич синф ўқувчиларидан бошлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ривожланиш инсон нимага эга эканлиги билан эмас, балки инсоннинг кимлиги, у ўз ихтиёрида мавжуд нарсалар билан нима қилишга қодир эканлиги билан белгиланади ва бу борада бозор қонунларига амал қилган ҳолда ўзининг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини йўлга қўйишни билиши асосий масала ҳисобланади. Шу боис ҳам ёшларга тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия бериш орқали биз давлатимизни ҳар томонлама қудратли давлат эканлигини кўрсата олишимиз керак.

Иқтисодий таълим-тарбия бу махсус тайёрланган раҳбарлигида амалга ошириладиган жараён бўлиб, унда таълим олувчига иқтисодий тарбия бериш, яъни иқтисодиётнинг маълум тамойиллари, қонун-қоидаларини ҳамда категорияларини тушунтириш ва иқтисодий муносабатларни тарбиялаб, маълум соҳалари ҳақидаги билимларни ўқитишни амалга оширилади. Бу жараёнда бола ҳисоб-китоб қилишни ҳам ўрганади, ишбилармонлик ва ташаббускорлик хусусиятларига эга бўлиш билан бирга, тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия кўникмаларига эга бўлади. Фарзанд оилада ота-она тажрибалари таъсирида тарбия кўради. Ота-она ҳар қадам, ҳар нафасда болага сабоқ беради: ўқувчилар мактабда турли фанларни ўқиш жараёнида иқтисодий билимларга эга бўладилар. Давлатимизнинг моддий-маънавий юксалиши борасидаги иқтисодий қонунлар билан ўқувчилар табиий фанларни ўрганишда танишса, табиатшунослик, она тили ва технология дарсларида халқ фаровонлигини юқори даражага кўтаришда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий билимлар ўрганиб борадилар. Тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий қонунлар кишиларнинг иқтисодий фаолиятдан ташқарида, улардан ажралган ҳолда амал қилмайди, балки айнан уларнинг фаолияти, хатти-ҳаракатлари, иқтисодий хулқ-атвори туфайли таркиб топади ва улар орқали намоён бўлади. Шунинг учун инсонлар тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия қонунларининг хусусиятини билиб, уларнинг, талабларини ҳисобга олиб, улардан фойдаланишлари лозим бўлади. Бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик тушунчаларини шакллантиришда оила

ҳамкорлигини йўлга қўйишида юртимиздаги илмий-назарий жиҳатларни билишимизни тақоза этади.

Ёшларга даромад ҳажмини белгилаш ва харажатнинг меъёрини барқарорлаштириш, бошқача айтганда, неъмат яратиш ва уни тасарруф этиш режасини ишлаб чиқиш ва унга қатъий амал қилиш кўникмаси сингдирилиши даркор. Дарҳақиқат, тарбиянинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан оила, мактаб, жамоатчилик ва меҳнат жамоаларининг баҳамжиҳат куч-ғайрат сарфларига ва ўқувчиларга нисбатан қўйиладиган талаблари бир хил бўлишига боғлиқ; оилаларда ота-оналар, оиланинг кекса авлод вакиллари, ёши катталар томонидан амалга ошириладиган тежамкорлик болалар учун ўзига хос сабоқ бўлади. Ўқитувчи ва ота-оналар ўқувчиларга оиланинг сарф-харажатлари структурасини очиб бериш керак; ҳар бир бола оила аъзоси шу маънода у маълум даражада оила хўжалигининг ҳам иштирокчисидир. Бинобарин, биз ўқувчиларимизни фақат оила хўжалигинигина эмас, балки жамият хўжалигини тежаб-тергаб юритадиган садоқатли инсон қилиб тарбия қилмоғимиз лозим. Оила тарбия соҳасида тўғри раҳбарлик қилиш ёрдами билан ўқувчиларда софдиллик, виждонлилик, масъулиятлилик, зийраклик, уddaбурунлик каби хислатлар тарбияланади;

моддий эҳтиёж; маънавий эҳтиёж; товар; натурал маҳсулот; ишлаб чиқариш; кархона; тадбиркор; реклама; даромад; иш ҳақи; мукофот; мерос; меросхўр; банк; жамғарма; банкир кабилар. Бундан кўзланган мақсад, ҳар бир ўқувчининг онгига иқтисодга оид билимларни сингдириш ва шу орқали уларда иқтисодий тарбияни йўлга қўйишдир; оилада болаларни ёшлигиданоқ оиланинг иқтисодий масалаларни ҳал қилишга жалб этиш биринчидан, боланинг ота-она олдидаги қадрини оширади, боланинг ўзига ишончини кучайтиради, иккинчидан, пул сарфлаш маданиятига ҳисоб-китобга, тежамкорликка ўргатади. Оила хўжалигининг иқтисодий масалалари демократик асосда, ҳамма оила аъзолари иштирокида ўтадиган оилаларда пул-маблағ сабабли жанжаллар рўй бермайди, балки оила аъзоларини оила жамоасига янада жипслаштиради.

Диссертациянинг иккинчи боби “Бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигининг шакл ва методлари ” деб номланган бўлиб, унда бошланғич синф ўқувчиларнда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлиги ҳақида Шарқ мутафаккирларининг тарихий меросидан фойдаланишнинг ўрни ва моҳияти очиб беришга ҳаракат қилинган. Бу муаммоларнинг ривожланишида Форобий, ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, ва бошқа кўплаб мутафаккирлар ижодида ўз ифодасини топган.

Бу борада бошланғич синф ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигининг

тарихий меросимиздаги ўрни ва моҳиятини ёшларга етказиш ҳар бир фуқаронинг инсони фазилатидир. Аждодларнинг бизга қолдирган тарихий мероси битмас-туғамас маънавий бойлик ҳисобланади ва ундан ёшлар тарбиясида унумли фойдаланайлик.




1-расм. Тежамкорлик ҳақида бошланғич тушунчаларни шаклланириш кўрсатилган.

Бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигини йўлга қўйишда аввало ота-она раҳбарлигида болага бозор одоблари ҳақида маълумотлар берилиши лозим.

Педагогик тажриба-синовни олиб бориш учун тажриба-синов дастури асосида ўқувчиларнинг тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигини аниқлаш кетма-кетлиги сифатида белгилаб чиқилган бўлиб, унинг асосий вазифалари таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар асосида дастурда тажриба-синов ишлари босқичлари, унинг қисмлари, оралиқ натижалари ҳамда уларга эришиш кетма-кетлиги белгилаб олинган. Мазкур дастур асосида ўқувчиларнинг тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлиги фаолиятларини амалга ошириш имконияти яратилди.

Марказий Осиёнинг фалсафий ва ижтимоий таълимотларидаги иқтисодий мерослари мазмунан бой. Ўлкамизда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тушунчаларни шакллантиришда оила ҳамкорлиги нинг ривожланиши ҳақида сўз юритилар экан, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ғоялари ҳар доим ўтмишда аждоддан-авлодга ўтиб келаётган қимматли ўғитлари ва кадриятлар ҳаёти билан доимо чамбарчас боғлиқлиги маълум .



2-расм. Ўқувчиларда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияни шакллантириш модели

Ота-боболаримизнинг ўз фарзандларини тежамкор бўлишга ундаганликларини халқ оғзаки ижоди мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, тежамкорлик мавзусида халқ мақолларида ҳам ўз аксини топган. Зеро, бу мақоллар юз йиллар давомида аждоддан-авлодга ўтиб, халқнинг дилида сақланиб келган.

Бугунги бозор қонунларига биноан оилада тадбиркорликни йўлга қўйиш ва унинг мезонларига амал қилган ҳолда иш юритиб оилавий буюжетни шакллантириш энг тадбиркор инсоннинг ишидир.

Диссертациянинг учинчи боби “Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш” деб номланган бўлиб ва унинг мақсад вазифалари ҳамда самарадорлик натижалари очиб бериш мазмуни, ҳамда тажриба-синов ишларини татбиқ қилиш масалалари таҳлил этилган.

Бошланғич синф ўқувчиларда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигини ўрганиш бўйича анкета сўровномаларида Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги 15- ва 2-; Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги 4- ва 48-; Бухоро шаҳридаги 23- ва 6- умумий ўрта таълим мактабларидан 586 нафар ўқувчи жавоб беришди, олинган натижалар таҳлили орқали бошланғич синф ўқувчиларини тадбиркорлик, тежамкорлик руҳида тарбиялаш борасидаги олиб борилиши лозим бўлган фаолият мазмуни аниқланди.

Тажриба-синовнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларини тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигидан иборат бўлиб, муаммони тадқиқ этиш 4 йил (2018-2021 йиллар) мобайнида куйидаги уч боқичда амалга оширилди:

Мавзуга оид илмий-методик адабиётларни ўрганиш, методик, маънавий-меъёрий, ҳуқуқий ҳужжатларни, анъанавий ва ноанъанавий тажрибаларни ўрганиш педагогик кузатувлар, лойиҳалаштириш, моделлаштириш (эмперик; анкета; суҳбат; тест усули), тажриба-синов ва маълумотларга математик-статистик ишлов беришдан иборат бўлиб, улар босқичма-босқич амалга оширилди.

Педагогик тажриба-синовда 2-3-4-синф ўқувчилари учун алоҳида топшириқлар мажмуаси ишлаб чиқилди. Шунинг билан бошланғич синф ўқувчиларини тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигининг тарбияланганлигини белгиловчи даражаларни ишлаб чиқилди.

Даражалар учга бўлинади:

а) **юқори даража** – бошланғич синф ўқувчиларини тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлиги ҳақидаги билимлар пухта ўзлаштирилган; эгалланган назарий ва амалий билимларга қатъий амал қилинади;

б) **ўрта даража** – бошланғич синф ўқувчиларини тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлиги кўникмаларининг эгалланганликлари узлукли равишда (доимий

бўлмаганлиги) кўзга ташланади, назарий билимлар эгалланган, аммо улар амалиётга татбиқ этилмайди;

в) **паст даража** – бошланғич синф ўқувчиларини тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигига оид билимларни амалиётга қўллай олмайди.

Тажриба-синовни олиб бориш учун тажриба-синов дастури асосида ўқувчиларнинг тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигининг аниқлаш кетма-кетлиги сифатида белгилаб чиқилган бўлиб, унинг асосий вазибалари таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар асосида дастурда тажриба-синов ишлари босқичлари, унинг қисмлари, оралиқ натижалари ҳамда уларга эришиш кетма-кетлиги белгилаб олинган. Мазкур дастур асосида ўқувчиларнинг тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлиги фаолиятларини амалга ошириш имконияти яратилди.

Педагогик тажриба-синов ишларида жами 586 нафар ўқувчи иштирок этди. Тажриба-синов ишларида Бухоро шаҳридан - 206 нафар ўқувчи, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридан 202 нафар, Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидан - 178 нафар, ўқувчи иштирок этди ва уларнинг танланма миқдорини 1-жадвалдан кўриш мумкин:

Тажриба-синовнинг дастлабки 2018-2019 ўқув йилларида ўтказилган сўровнома ва суҳбат жараёнида психологик-педагогик экспериментал танланмадаги ўқувчиларнинг миқдори


1-жадвал.

Мак-таблар	Сурхондарё вилоятининг Шўрчи тумани		Бухоро шаҳри		Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри		Жами
	4-мактаб	48-мактаб	23-мактаб	6-мактаб	15-мактаб	2-мактаб	
2-синф	28	23	27	29	23	28	158
3-синф	25	35	39	40	34	42	215
4-синф	37	30	40	31	41	34	213
Жами	90/88		106/100		98/104		586

Дастлабки анкета-сўровномани ўтказишдан мақсад – ўқувчиларда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигига қаратилган, шарт-шароитларини аниқлашдан иборат.


2018-2019 ўқув йилида тажриба бошида ва тажриба якунида Сурхондарё вилоятининг Шўрчи тумани 4-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларидан 40 нафари назорат гуруҳларида ва 50 нафари тажриба гуруҳларида, 48-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларидан 30 нафари тажриба гуруҳларида ва 58 нафари назорат гуруҳларида, Бухоро шаҳри 23-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларидан 48 нафари тажриба гуруҳларида ва 58 нафари назорат гуруҳларида, 6-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларидан 46 нафари назорат

гуруҳларида ва 54 нафари тажриба гуруҳларида, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 2-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларидан 44 нафари назорат гуруҳларида, 54 нафари тажриба гуруҳларида ҳамда 15-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларидан 45 нафари назорат гуруҳларида ва 59 нафари тажриба гуруҳларида иштирок этди. Мазкур ўқув йилида жами назорат тажриба гуруҳларида 253 нафар, тажриба гуруҳларида эса 333 нафар, жами 586 нафар ўқувчи тажриба-синовда қатнашди.



1 расм. Умумий ўрта таълим муассасаларининг дастлабки сўровнома жараёни натижалари

2019-2020 ўқув йилида экспериментал танланма миқдори умумий ўрта таълим мактабларида назорат гуруҳидагидан, тажриба гуруҳларида респондентлар сонини ошганлигини кўраимиз.



2-расм. 2019-2020 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг тажриба – синов самарадорлиги

Жадваллардаги натижалардан кўринадикки, ўқувчи-ёшларнинг тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда мактаб ва оилалардаги ҳамкорлик борасида олиб борилган

ишлар, тажриба-синов жараёни натижалари статистик маълумотларига асосан, самарали экан.

Тажриба-синов ишлари жараёнида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларининг шаклланганлигини ўқувчиларда аниқлаш шакллари (синф ва синфдан ташқари машғулотларда) ва методларининг самарадорлигини тизимли равишда тажриба ва назорат гуруҳларида аниқланиб, борилди.

Ўқувчиларни тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришга бағишланган тарбия кўрсаткичлари асосида тажриба мактаблари шартли равишдаги юқори ўрта ва қуйи даражадаги тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларга эга эканлиги аниқланди. Бу тадқиқот ишимизнинг натижаси қуйидаги 3- жадвалда ўз ифодасини топган.

Бошланғич синф ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологияси ва уни такомиллаштириш ҳақида маълумотлар.

2-жадвал.

Т/р	Синфлар	Тажриба синфлари n ₁ =333		Назорат синфлари n ₁ =253	
		Тажриба бошида.	Тажриба охирида	Тажриба бошида.	Тажриба охирида
1.	Юқори	86	120	63	41
2.	Ўрта	132	130	108	118
3.	Паст	113	80	80	94

2-жадвалда келтирилган тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришга оид даража кўрсаткичлари ҳаққонийлигини аниқлаш мақсадида математик-статистик таҳлилни Стъюдент-Фишер методи бўйича амалга оширилди.

Математик-статистик маълумотларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини қуйидагича ҳисоблаймиз. Бизга маълум $\bar{X}=2,4$; $\bar{Y}=2,03$; $\Delta_x=0,073$; $\Delta_y=0,084$ га тенг.

Бунда сифат кўрсаткичлари

$$K_{усб} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,4 - 0,073}{2,03 + 0,084} = \frac{2,33}{2,114} = 1,102 > 1$$

$K_{усб} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,4 - 0,073) - (2 + 0,084) = 2,33 - 1,946 = 0,384 >$ Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ва ҳамда тажриба якунидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ва тажриба бошидаги ўзлаштиришдан юқори эканлигини кўрамыз.

Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижаларини 4-жадвал кўрсаткичлари асосида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантириш даражасини тажриба-синовгача бўлган даврда

Ўтказилган тажриба ва назорат синфларидаги ўзлаштиришларини умумий ҳолда статистик таҳлил қиламиз.

Бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлиги даражалари миқдор ва сифат ўзгаришларини аниқлаш кўрсаткичлари

3-жадвал

Синфлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба синфлари	333	86	132	113
Назорат синфлари	253	63	108	80

Бу кўрсаткичларни фоизларда ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз. Ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш коэффициентини фоизларда

$$K = \frac{J}{Q} \cdot 100\% \text{ формула орқали топилади.}$$

Бу ерда: J – ўтказилган сўровномада берилган тўғри жавоблар сони; Q – ўқувчиларнинг умумий сони.

4-жадвал.

Т/р	Синфлар Баҳо	Тажриба - гуруҳи	Назорат - гуруҳи
1.	Юқори	$K_1 = \frac{86}{333} \cdot 100\% - 25,9\%$	$K_1 = \frac{63}{253} \cdot 100\% - 25,0\%$
2.	Ўрта	$K_1 = \frac{132}{333} \cdot 100\% - 39,9\%$	$K_1 = \frac{108}{253} \cdot 100\% - 42,8\%$
3.	Паст	$K_1 = \frac{113}{333} \cdot 100\% - 34,1\%$	$K_1 = \frac{80}{253} \cdot 100\% - 32,0\%$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба-синфидаги ўзлаштириш назорат синфидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Демак, тажриба-синовдан кейин тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантириш даражаларининг миқдорий ва сифатий ўзгаришларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экан.

Хулосалар ва тавсиялар

1. Иқтисодчилар, педагоглар, файласуфлар ва технологларнинг иқтисодий тарбия масаласига ўзгача ёндашуви, унинг сабаб ва оқибатларига диққат эътиборини қаратганини билдиради. Бошланғич синф ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчалари орқали ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида камол топтириш, уларни жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўз ўрнини белгилаш учун замин тайёрлайди.

2. Бошланғич синф ўқувчилари онгида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантириш зарурий эҳтиёж турлари эканлиги ва уларни қондириш манбалари ҳақида етарли маълумотлар бериш ва уни амалда фойдаланиш.

3. Бошланғич синф ўқувчиларига иқтисодий тарбия зарурлиги тўғрисида, даромадларнинг манбаи ва оила сарф-харажатлари структураси тўғрисида

тушунчалар бериш, тасаввур ҳосил қилишни ўргатиш, ўз пулларида қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш ва эҳтиёжларни қондиришда меҳнатнинг аҳамиятини тушунтирилди.

4. Бошланғич синф ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантириш учун муҳим шарт-шароит яратиш. Бозор иқтисодиётига ўтаётган бир шароитда ривожланиш учун ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган салмоқли ишларда доимо фаол бўлиш.

5. Бошланғич синф ўқувчиларининг тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантириш орқали улар онгида иқтисодий тафаккурнинг барча босқичлари - шахсий ҳаёти, кишилар билан муносабати, унинг хулқ-атворидаги фазилатлар, ҳаётга бошқача кўз билан қараш, ижтимоий муносабатларда ижобий кўникмалар ҳосил қилиш.

6. Бошланғич синф ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигини такомиллаштириш ва уларни иқтисодий фаолиятга тайёрлаш учун имкониятлар яратиш. Бу эса ёшлардан жамиятимизнинг иқтисодий манфаатлари негизини билиш, иқтисодий билимлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва атроф - муҳит ҳамда моддий заҳиралардан оқилона фойдаланишни шакллантиради.

7. Бошланғич синф ўқувчиларининг онгида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлиги ҳақидаги билимлар ривожлантирилди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб қуйидаги тавсияларни берамиз:

1. Шарқ мутафаккирдларининг иқтисодий тарбияга оид фикрлари ҳамда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигига оид педагогика соҳасидаги илғор тажрибалар асосида ўқувчиларда иқтисодий тарбияни шакллантиришга доир методик қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқиш:

2. Ўқувчиларда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигига оид билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга ёрдам берадиган кўргазмали воситалар, виртуал электрон мажмуини яратиш:

3. Бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлигига оид халқ анъаналаридан фойдаланиш.

4. Бошланғич синф ўқитувчиларига, ота-оналарга, ҳамда маҳалла фаолларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила ҳамкорлиги юзасидан доимий тадбирлар ташкил этишда фойдаланиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.PED.78.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТЕРМЕЗСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ.**

**ДЕНОУСКИЙ ИНСТИТУТ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И
ПЕДАГОГИКИ**

БАБАКУЛОВА ДИЛФУЗА МЕНГЛИБАЕВНА

**СЕМЕЙНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО В ФОРМИРОВАНИИ
ПОНЯТИЙ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА, БЕРЕЖЛИВОСТИ И
ЭКОНОМИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ У УЧАЩИХСЯ
НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

13.00.01- Теории педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Термиз 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.4.PhD/Ped2097

Докторская диссертация выполнена в Деноускоинститут предпринимательства и педагогики.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.tersu.uz), а также на информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Худайкулов Хол. Джумаевич
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Олимов Ширинбой Шаропович
доктор педагогических наук, профессор

Хакимова Мухаббат Файзиевна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация:

Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится «30» 12 2022 года в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 по присуждению ученых степеней при Термезском государственном университете. (Адрес: 190111, город Термиз, ул. Баркамол авлод, дом 43. Тел.: (99876)223-13-11; 221-74-55 факс: 0(376)221-74-55; web-site: www.tersu.uz; e-mail: termizdu@umail.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (зарегистрирована за № 113) Термезского государственного университета. (Адрес: 190111, город Термез, ул. Баркамол авлод, дом 43. Тел.: (99876)223-13-11; 221-74-55 факс: 0(376)221-74-55; web-site: www.tersu.uz; e-mail: termizdu@umail.uz. Автореферат диссертации разослан « » 2022 года. (реестр протокола рассылки № 23 от 30.12 2022 года).



И.Т.Чариев

И.Т.Чариев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор.

М.Қ.Бозорова

М.Қ.Бозорова
секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.п.н., доцент.

И.Аллаков

И.Аллаков
Зам председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
научных степеней, д.ф.м.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии) PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В эпоху мировой глобализации и развития воспитание подрастающего поколения, являющегося нашим будущим, считается одной из необходимых проблем особой важности. В школьном образовании основное внимание уделяется привлечению учащихся на малые производственные предприятия. Вовлекая учащихся в мир бизнеса, эти малые производственные предприятия обеспечивают развитие практических навыков и личностных качеств, поощряют инициативу и творчество, помогают определиться с возможностью самостоятельной самозанятости и ориентируют в выборе профессии. В результате становится все более важным усиление роли семейного сотрудничества в обществе в формировании представлений о предпринимательстве, экономике и экономическом образовании учащихся начальных классов.

В мире проводятся научные исследования по развитию у учащихся профессиональных качеств, необходимых для предпринимательской деятельности, и подготовке знаний и умений в области организации производства, в процессе профориентации. В связи с этим, особенно в целях практической поддержки формирования знаний, умений и навыков, связанных с экономической эффективностью, формированием образовательного процесса и его обеспечением, развитием его средств и сопровождения, особое внимание уделяется развитию эффективного использования модульных, универсальных моделей образовательного подхода, образовательных программ по обучению основам бизнеса и предпринимательской деятельности.

В последние годы в нашей стране педагоги-исследователи предоставляют широкие возможности для совместной семейной деятельности по формированию представлений о предпринимательстве, экономике и экономическом образовании учащихся начальных классов, а в нашей стране работы, принятые в мировой практике для реализуется карьерная деятельность. В связи с этим актуальное значение приобретает подготовка конкурентоспособных кадров в системе высшего образования, таких как стимулирование научной и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научно-инновационных достижений и обеспечение развития инноваций в системе образования Министерства инновационного развития.

Данная диссертационная работа в определённой степени послужит в реализации задач, предусмотренных в Указе³ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, в котором определены “Создание благоприятной среды для широкого развития малого бизнеса и частного предпринимательства, для полноценной реализации трудовой и предпринимательской деятельности населения способной к труду, вовлечение в

³ <https://lex.uz/docs/3107036>

сферу частного о предпринимательства”⁴, в Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 997 от 8 декабря 2018 года “О мерах по организации международных исследований в сфере оценки качества образования в системе народного образования”, № ПП-1059 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 31 декабря 2019 года “О концепции непрерывного духовного воспитания”, № УПП-6097 от 29 октября 2020 года “Об утверждении концепции развития науки до 2030 года”, № ПП-4467 от 30 сентября 2019 года “О мерах по кардинальному повышению эффективности внешкольного образования в системе народного образования”, № УП-5712 от 29 апреля 2019 года “Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года”, № ПП-4231 Постановление Президента Республики Узбекистан от 7 марта 2019 года “О дополнительных мерах по широкому привлечению населения к предпринимательства в регионах”, № УП-6108 от 6 ноября 2020 года “О мерах по развитию сфер образования и воспитания и науки в новый период развития Узбекистана”, и других нормативно-правовых актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетной программы развития науки и технологий Республики Узбекистан. I. “Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства”.

Степень изученности проблемы. Мысли о бережливости, экономичности высказаны в произведениях мыслителей востока Ибн Сина (Авиценна), Беруни, Фараби, Алишера Навои, Юсуф хос Хожиба.

В нашей странах научные исследования непосредственно связаны с вопросами экономического образования изучали С.Бабакулов, Ф.Ибротова, У.Дустова, Ш.Рузиназарова, Н.Бекназарова, А.Ўлмасов, Н.Хўжаев, У.Умаров, О.Хайитов, З.Валиева, Н.Камолова, А.Сарсенбоева, Х.Умарова, Х.Худойкулов, А.Кенжабоев, Х.Матёкубов др.

В старанах независимых государств рассматривают вопросы экономического образования и их организация в трудах рассматриваются А.С.Аменд, И.А.Сасова, Л.П.Фридман, Б.П.Шемякин, М.Л.Малишев, Б.К.Розов, Н.С.Толстов.

За рубежных в трудах ученых A.Gibb, J.Keenan, Riches, J.Sey, H.A.Томин, H.Daviyes, К.П.Дудин и др. освещены содержание производства в процессе приобретения знаний, педагогические основы, методы, содержание, задачи экономического воспитания и теоретические особенности, а также демонстрируются формирование практических навыков, умений и навыков в экономическом воспитании, в связи с практической трудовой деятельностью.

⁴Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон” газетаси бош мухарири саволларига жавоблари юзасидан “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” номли интервьюси. – Т.: 2021 йил 17 август.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Денауского института предпринимательства и педагогики, рассчитанные на 2019-2021гг. в рамках практического проекта, пункт 4.2 “Научные основы формирования и укрепления высоких духовных и экономических качеств у подрастающего поколения”.

Цель исследования состоит из разработки практических рекомендаций по совершенствованию формы сотрудничества с семьёй, при формировании у учащихся начальных классов понятия предпринимательства, бережливости и экономического воспитания.

Задачи исследования:

- обосновать, что при формировании у учащихся начальных классов, понятий предпринимательства, бережливости и экономического воспитания, анализ Республиканской и зарубежной литературы, посвященный семейному сотрудничеству, является актуальной педагогической проблемой;

